

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1876-ҳадис

1876/5541 – عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: تَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ تُضْرَبَ

الصُّورَةُ. تحفة: 6753

1876.5541. Солимдан ривоят қилинади:

«Ибн Умар (ҳайвоннинг) юзига белги қўйишни қариқ кўрар эди. Ибн Умар яна: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (юзга) уришдан қайтарганлар», деган.

Қутайба бунга шундай мутобаъа* қилган: «Анқазий Ҳанзаладан ривоят қилиб бизга сўзлаб берди ва «Юзга уришдан», деб айтди.

Изоҳ: Муаллиф ушбу уч ривоятни келтириш билан шундай демоқчи: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзга уришдан қайтарганларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, юзга турли белги ва нишонларни уриш мутлақо жоиз бўлмайди». Шунингдек, олдинги ривоятда «юз» очиқ айтилмаган бўлса, кейингисида аниқ айтилгани таъкидланмоқда.

Манба: hadis.islom.uz

